



ISSN 2181-1008  
DOI 10.26739/2181-1008



# ВЕСТНИК ВЕТЕРИНАРИИ И ЖИВОТНОВОДСТВА

НАУЧНОЕ ПЕРИОДИЧЕСКОЕ ИЗДАНИЕ



ТОМ 3, НОМЕР 1

# 2023



SAMARQAND VETERINARIYA  
MEDITSINASI INSTITUTI

ISSN 2181-1008

DOI 10.26739/2181-1008

# ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ ВА ЧОРВАЧИЛИК БЮЛЛЕТЕНИ

3 ЖИЛД, 1 СОН

ВЕСТНИК ВЕТЕРИНАРИИ И ЖИВОТНОВОДСТВА

ТОМ 3, НОМЕР 1

BULLETIN OF VETERINARY AND LIVESTOCK

VOLUME 3, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

# ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ ВА ЧОРВАЧИЛИК БЮЛЛЕТЕНИ

ВЕСТНИК ВЕТЕРИНАРИИ И ЖИВОТНОВОДСТВА | BULLETIN OF VETERINARY AND LIVESTOCK

№1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-1008-2023-1>

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**А.С. Даминов**  
Узбекистан

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Х.Б. Юнусов**  
Узбекистан

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**А.Р. Курбонов**  
Узбекистан

**МАЪСУЛ КОТИБ | ОТВЕТСТВЕННЫЙ СЕКРЕТАРЬ | RESPONSIBLE SECRETARY:**

**Н. Б. Дилмуродов, Самарканд, Узбекистан**

**ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:**  
**РЕДАКЦИОННЫЙ КОЛЛЕГИЯ:**  
**EDITORIAL BOARD:**

**ТАҲРИРИЯТ КЕНГАШИ:**  
**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**  
**EDITORIAL BOARD:**

**Б. Т. НОРКОБИЛОВ**  
Ташкент, Узбекистан

**Ш. А. ДЖАББАРОВ**  
Ташкент, Узбекистан

**Б. А. ЭЛМУРАДОВ,**  
Ташкент, Узбекистан

**Н. А. БОБОКУЛОВ,**  
Ташкент, Узбекистан

**А. А. НУРМАТОВ,**  
Ташкент, Узбекистан

**Б. Б. БАКИРОВ**  
Самарканд, Узбекистан

**Х. Б. НИЁЗОВ,**  
Ташкент, Узбекистан

**Р. Б. ДАВЛАТОВ,**  
Ташкент, Узбекистан

**Э. С. ШАПТАКОВ**  
Ташкент, Узбекистан

**Х. С. САЛИМОВ**  
Самарканд, Узбекистан

**М. А. РУЗИМУРАДОВ**  
Ташкент, Узбекистан

**Д. А. АЗИМОВ**  
Ташкент, Узбекистан

**А. И. ЯТУСЕВИЧ**  
Минск, Республика Беларусь

**Д. А. ДЕВРИШОВ**  
Москва, Российская Федерация

**Ю. А. ЮЛДАШБОВ**  
Москва, Российская Федерация

**Д. Н. ФЕДОТОВ**  
Минск, Республика Беларусь

**К. Н. НОРБОВ**  
Самарканд, Узбекистан

**С. Ю. ЮСУПОВ**  
Самарканд, Узбекистан

**Х. А. ХАМДАМОВ**  
Ташкент, Узбекистан

**А. А. ЭЛМУРАДОВ**  
Самарканд, Узбекистан

**Б. Д. НАРЗИЕВ**  
Самарканд, Узбекистан

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


<b>1. Дилмуродов Н.Б., Ниёзов Ҳ.Б., Пардаева Ш.А., Мирзаев С.М., Бозоров Қ. СИГИРЛАРДА ПОДОДЕРМАТИТ ЖАРАЁНЛАРИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ОМИЛЛАР ВА КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....</b>	<b>5</b>
<b>2. Tashtemirov Ravshanbek Matlyubovich, Yusupov Azamat Rustam o'g'li OTLARDA SAKRASH BO'G'IMINING ASEPTIK YALIG'LANISHINI DAVOLASH.....</b>	<b>11</b>
<b>3. Ўрмонов Абдурасул Хасанович, Таштемиров Равшанбек Матлюбович СПОРТ ОТЛАРИДА МИОЗИТЛАРНИНГ КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШ.....</b>	<b>16</b>
<b>4. Ниёзов Ҳаким Бақойвич, Абдиев Салоҳиддин Буранович ТУҒИШДАН КЕЙИНГИ ЭНДОМЕТРИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН СИГИРЛАРНИ ТУРЛИ УСУЛЛАР БИЛАН ДАВОЛАШДА УЛАРНИНГ КЛИНИК – ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....</b>	<b>20</b>
<b>5. Djumanov Sobir Murodovich, Rashidov Bekjon SIGIRLARDA VOLA TASHLASHLARNI SABABLARI VA OLDINI OLISH.....</b>	<b>27</b>
<b>6. Tashtemirov Ravshanbek Matlyubovich, Chinmurodov Jahongir To'lqinjon o'gli SPORT OTLARIDA OG'IZ BO'SHLIG'I JAROHATLARI ETIOLOGIASI, KILINIKASI, DIAGNOSTIKASI, PROFILAKTIKASI.....</b>	<b>32</b>
<b>7. Даминов Асадулло, Боймуродов Хусниддин, Суяров Султон, Тошқузиёв Баҳодиржон ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ЎРТА ОҚИМИ СУВ ЭКОТИЗИМЛАРИДА LYMNAEIDAE (RAFINESQUE, 1815) ОИЛАСИ МОЛЛЮСКАЛАРИНИ ТАРҚАЛИШИ ВА УЛАРНИ ГЕЛЬМИНТОЗЛАРНИНГ ОРАЛИҚ ХЎЖАЙИНИ СИФАТИДАГИ ЎРНИ.....</b>	<b>37</b>
<b>8. Раҷамуродов Зайнитдин Туробович, Ахроров Маъруф Насимжонович ЯНГИ ТЎҒИЛГАН ҚЎЗИЛАРНИ ТИРИК ВАЗНИ, МУТЛОҚ ВА КУНЛИК ЎСИШИНИНГ ЁШГА ОИД ДИНАМИКАСИ ЎРГАНИШ.....</b>	<b>42</b>
<b>9. Яхяев Бахтиёр Садуллаевич ВЛИЯНИЕ КОМПЛЕКСНОЙ КОРМОВОЙ ДОБАВКИ НА ПЕРЕВАРИМОСТЬ ПИТАТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ ПРИ ОТКОРМЕ КАРАКУЛЬСКИХ БАРАНЧИКОВ.....</b>	<b>48</b>
<b>10. Ходжаева Насиба, Акбарова Гулирухсор, Джурабаева Дилафруз AZOLLA CAROLINIANANINING MORFOBIOLOGIK ХУСУСИЯТЛАРИ.....</b>	<b>54</b>
<b>11. Qurbonova Zarnigor, Fayziyeva Sitara, Norboyev Qurbon BUZOQLAR DISPEPSIYASINING ANTINATAL SABABLARI.....</b>	<b>60</b>
<b>12. Norboyev.Q.N., Safarov. Sh.I. GOLSHTIN ZOTLI SOG'IN SIGIRLAR KETOZINING KELIB CHIQISH SABABLARI.....</b>	<b>65</b>
<b>13. Safarov M.B., Turdiqulov S. BIOLOGIK FAOL MODDALARDAN AYRIM VITAMINLARNING SOG'IN SIGIRLAR FIZIOLOGIK KO'RSATKICHLARGA TA'SIRI (Adabiyotlar tahlili asosida).....</b>	<b>69</b>
<b>14. Djumanov Sobir Murodovich, Imomaliyev Shohruh SIGIRLARDA BACHADON CHIQISHI SABABLARI, DAVOLASH VA OLDINI OLISH.....</b>	<b>73</b>
<b>15. Hamroqulov N.Sh., Ergashev J. TUXUM YO'NALISHIDAGI TOVUQLARDA GIPOVITAMINOZLARNING DIAGNOSTIKASI VA PROFILAKTIKASI.....</b>	<b>78</b>



УДК:619:618:638.2:619

**Ниёзов Ҳаким Бақойвич**  
СамДВМЧБУ профессори  
**Абдиев Салоҳиддин Буранович**  
СамДВМЧБУ катта ўқитувчи

**ТУҒИШДАН КЕЙИНГИ ЭНДОМЕТРИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН СИГИРЛАРНИ  
ТУРЛИ УСУЛЛАР БИЛАН ДАВОЛАШДА УЛАРНИНГ КЛИНИК – ФИЗИОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7816530>

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада Сигирларда туғишдан кейинги ўткир йирингли-катарал эндометритларни даволашда тайёрланган эмульция бачадон ичига 80 мл ва пенстриб - 400 дан маълум меъёр ва миқдорда мускул орасига юбориш патологик ўчоқда қон ва лимфа айланишини яхшилаб, яллиғланиш жараёнларини пасайтиради ва регенерация жараёнларини кучайтириши намоён бўлиб, катарал эндометрит билан касалланган ҳайвонларида даволаш ўртача 8 кун, йирингли-катарал эндометрит билан касалланган ҳайвонларида даволаш 9 кун, бактерия ва замбуруғли этиологияли йирингли-катарал эндометрит жараёни кечаётган ҳайвонларда эса 11 кун давом давом этиши характерли бўлди.

**Калит сўзлар.** Зотли сигир, эндометрит, ажраладиган ажратмалар, бактериялар, микроб турлари, катарал эндометрит, йирингли-катарал эндометрит, бактерия ва замбуруғли этиологияли йирингли-катарал эндометрит.

**Ниёзов Ҳаким Бақойвич**  
профессор СамГУВЖБ  
**Абдиев Салоҳиддин Буранович**  
СамГУВЖБ старший преподаватель

**ИХ КЛИНИКО - ФИЗИОЛОГИЧЕСКАЯ ОСОБЕННОСТЬ ПРИ ЛЕЧЕНИИ КОРОВ,  
ЗАРАЖЕННЫХ ПОСЛЕРОДОВЫМ ЭНДОМЕТРИТОМ, РАЗЛИЧНЫМИ  
МЕТОДАМИ**

**АННАТАЦИЯ**

При лечении послеродового острого гнойно-катарального эндометрита у коров внутриматочное введение 80 мл эмульсии и внутримышечное введение пенстриб- 400 в определенной норме и количестве улучшают крово- и лимфообращение в патологическом очаге, уменьшают воспалительные процессы и усиливает процессы регенерации. Средняя продолжительность лечения составляет 8 дней, из них 9 дней у животных с гнойно-катаральным эндометритом и 11 дней у животных с гнойно-катаральным эндометритом бактериальной и грибковой этиологии.



**Ключевые слова:** Чистокровная корова, эндометрит, выделения, бактерии, микробные виды, катаральный эндометрит, гнойно-катаральный эндометрит, гнойно-катаральный эндометрит бактериальной и грибковой этиологии.

**Niyozov Hakim Baqoyvich**

professor SamDVMChBU

**Abdiyev Salohiddin Buranovich**

head teacher SamDVMChBU

## THEIR CLINICAL-PHYSIOLOGICAL CHARACTERISTICS IN THE TREATMENT OF COWS INFECTED WITH POST-BIRTH ENDOMETRITIS WITH DIFFERENT METHODS

### ANNOTATION

In the treatment of postpartum acute purulent catarrhal endometritis in cows, intrauterine administration of 80 ml of the emulsion and intramuscular administration of PENSRIВ-400 in a certain norm and amount improve blood and lymph circulation in the pathological focus, reduce inflammation and enhance regeneration processes. The average duration of treatment is 8 days, of which 9 days in animals with purulent catarrhal endometritis and 11 days in animals with purulent catarrhal endometritis of bacterial and fungal etiology.

**Keywords:** Purebred cow, endometritis, secretions, bacteria, microbial species, catarrhal endometritis, purulent-catarrhal endometritis, purulent-catarrhal endometritis of bacterial and fungal etiology.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўткир катарал-йирингли эндометритнинг клиник белгилари тукқандан кейинги 8-10, баъзан 6-7 кунларида намоён бўлиб, йўлдошнинг ушланиб қолиши ёки бачадоннинг ўткир субинволюциясининг асорати сифатида ривожланади. Ҳайвон ётган вақтида, ҳайвон кучанганда ёки тўғри ичак орқали бачадонни массаж қилганда жинсий йўллардан жигарранг-кўнғир ёки сарғич-кўнғир рангдаги қўланса хидли кўп микдорда шилимшиқли-йирингли экссудатнинг ажралиши кузатилади. Жинсий лаблар ва думнинг асоси йирингли экссудат қотмалари билан ифлосланган бўлади [3; 2; 6;].

Муаллифнинг маълумотига кўра, сигирларда ўткир эндометрит пайтида қиндан олинган шилимшиқ суюқликдан тайёрланган суртмаларда цитологик текширишлар ўтказилганда макрофаглар, лимфоцитлапр ва нейтрофиллар сонининг кўпайиши аниқланган бўлиб, соғлом сигирларда макрофаглар сонининг кескин камайиши, лимфоцитларнинг умуман бўлмаслиги ва сегментядроли, таёқчядроли нейтрофилларнинг 3 мартагача камайиши қайд этилади [6;7;8;9].

Ўткир эндометритда қизариш ёйилган бўлади ва бачадон шилимшиқ пардаси шишади. Қизариш зўрайиши билан кейинчалик экстравазация содир бўлади, яъни қон зардоби ва ҳатто, қоннинг шаклли элементлари томирлар девори орқали бачадон хужайралари орасидаги бўшлиққа сизиб чиқади. Сигирлар катарал эндометритда одатдагича куйга келиб тургани билан қисир қолиши, шунингдек, ҳайвон куйиккан даврда жинсий йўллардан кўп микдорда йиринг аралаш лойқа шилимшиқ суюқлик оқиши диагноз учун асос бўлади [1; 4;].

Эндометрит бўлган сигирлар тўғри ичак орқали текширилганда бачадон катталашган (3-3,5 ойлик бўғозликдаги катталиқда), қорин бўшлиғида, унинг деворлари бўшашган, хамирсимон консистенсияда, исқариши жуда сезиларсиз ёки умуман сезилмайди. Баъзан флюктуасия ҳамда кучсиз оғриқ сезиш қайд этилади. Қин орқали текширилганда қиннинг шилиқ пардаси ва бачадон бўйинчасининг қин қисми қизарган, гиперемия, нўқтали ёки йўл-йўл қон қуюлишлари, бачадон бўйинчаси каналидан ирингли-катарал экссудатнинг ажралиши характерли бўлади. Ҳайвоннинг умумий ҳолати кўпинча ўзгармайди, айрим ҳайвонларда тана ҳароратининг 1,0-1,50С гача кўтарилиши, умумий ҳолсизланиш, иштаҳа ва сут маҳсулдорлигининг пасайиши қайд этилади. [5;10;11].

**Тадқиқот мақсади.** Сут йўналишидаги хўжаликларда туғишдан кейинги катарал ва йирингли-катарал эндометритлар билан касалланган сигирларни турли усуллар билан даволашнинг маълум миқдор ва тартиб асосида қўллашга асосланган такомиллаштирилган даволашга асосланган усулларни ишлаб чиқиш ва клиник кўрсаткичларини ўзгаришларини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқот объекти ва услублари.** Тажрибалар учун Самарқанд вилояти Оқдарё тумани “Фаровон Гранд Инвест” қорамолчилик фермер хўжалигидан клиник текшириш натижасида туғишдан кейинги йирингли-катарал эндометрит жараёнлари кечаётган 15 бош сигир ажратиб олинди.

Касал ҳайвонлар ўхшаш жуфтликлар тамойили асосида ҳар бирида 5 бошдан учта гуруҳга ажратилди. Бунда биринчи тажриба гуруҳ ҳайвонларига таркибида окситетротроциклин 10 гр + АСД 4мл + танин 1,5 мл + балиқ мойи 50 мл+ флуконазол 2 таблетка + 35мл дистилланган сувдан иборат тайерланган эмульция бачадон ичига ва пенстриб - 400 дан 20 мл мускул орасига юборилди. Иккинчи тажриба гуруҳ ҳайвонлари тажриба гуруҳ ҳайвонларига эса трихопол ва йодопендан 1 тадан таблетка бачадон ичига юборилди, пенстриб -400 дан 20 мл ва айсидвит 10мл мускул орасига юборилди. Учинчи назорат гуруҳ ҳайвонларига туғишдан кейинги йирингли-катарал эндометритни даволаш мақсадида лимоксин - 200 10мл мускул орасига, бачадон  $K_2MnO_4$  нинг 1:5000 нисбатдаги эритмаси билан ювилиб, 2 дона фуразолидон бачадон ичига юборилди.

Тажрибагача ва тажриба давомида ҳайвонлар клиник кўрикдан ўтказилиб ва уларнинг клиник кўрсаткичлари тажрибагача икки марта, даволаш бошланганидан кейин эса тажрибанинг 3-, 5-, 7- ва 14-кунлари текшириб борилди.

**Олинган натижалар таҳлили.** Биринчи тажриба гуруҳидаги 2 бош ҳайвон бачадонида катарал эндометрит, 1 бош ҳайвонда бактерия ва замбуруғли этиологияли йирингли-катарал эндометрит ва 2 бош ҳайвонда эса йирингли-катарал эндометрит жараёни кечаётганлиги кузатилган бўлса, иккинчи тажриба гуруҳидаги 5 бош ҳайвондаги 2 бошида катарал эндометрит, 2 бош ҳайвонда бактерия ва замбуруғли этиологияли йирингли-катарал эндометрит ва 1 бош ҳайвонда эса йирингли-катарал эндометрит жараёни ва учинчи назорат гуруҳидаги 2 бош ҳайвон катарал эндометрит, 1 бош ҳайвонда бактерия ва замбуруғли этиологияли йирингли-катарал эндометрит ва 2 бош ҳайвон йирингли-катарал эндометрит билан касалланганлиги аниқланди. Тажрибадаги сигирлар бир хил шароитда сақлаб озиклантирилди, улар клиник текширилганда ҳар қайси касалликнинг клиник белгилари барча гуруҳлардаги ҳайвонларда деярли бир хил бўлди.

Тажриба гуруҳларидаги катарал эндометрит жараёнлари кечаётган барча ҳайвонларда клиник белгилар куйидагича намоён бўлди: Сигирларда катарал эндометрит жараёнлари асосан ўткир кечиб, асосан кўпчилик ҳайвонларда туғишнинг биринчи кунларда бачадондан шиллик лойқасимон рангдаги суюқлик оқиши қайд қилинди. Айрим сигирларнинг бачадонидан плаценталарнинг булакчалари аралаш оқ шилимшиқ суюқлик оқиши ҳайвон кучанганда, ётганда ёки қўл билан тўғри ичак орқали массаж қилганда кузатилиб, кўп ҳолларда эксудат думнинг вентрал қисмида қотиб қолганлиги қайд этилди.

Сигирларда туғишдан кейинги йирингли – катарал эндометрит билан касалланган барча гуруҳдаги ҳайвонларда бачадондан кулранг оқ рангдаги суюқлик оқиши қайд қилинди. Айрим сигирларнинг бачадонидан карункалар ва плаценталарнинг чириган булакчалари аралаш йирингли суюқлик оқиши ҳайвон кучанганда ,ётганда ёки қўл билан тўғри ичак орқали массаж қилганда кузатилиб, кўп ҳолларда эксудат думнинг вентрал қисмида қотиб қолганлиги қайд этилди. Аввал катарал, сўнг йиринг қўшилгандан кейин йирингли –катарал суюқ ажралмалар оқиб чиқди. Касал ҳайвонларнинг жинсий аъзосидан суюқлик ҳайвон сийганда, ахлат чиқарганда жуда кўп миқдорда ажралиб чиқади ва айниқса ҳайвон кечкурун ётган жойида эрталаб 50-130 мл миқдорда суюқлик ажралиб тўпланганлиги қайд қилинди.

Бактерия ва замбуруғли этиологияли йирингли-катарал эндометрит билан касалланган ҳайвонларда ҳам касаллик бошланишида йирингли-катарал эндометритга хос клиник белгилар намоён бўлиб, касал ҳайвонларнинг жинсий аъзосидан суюқлик ҳайвон сийганда,

ахлат чиқарганда жуда кўп миқдорда ажралиб чиқади ва айниқса ҳайвон кечкурун ётган жойида эрталаб кўп миқдорда суюқлик ажралиб тўплангалиги қайд қилинди. Сигирларнинг умумий ҳолати ёмон, перистальтика кучайган, тезаги суюқ бўлиб, белини букчайтириб думини кўтариб туради, ўтирғич дўнгликлари ва дум асоси суюқ ажралмаларнинг куриган пўстлоқчалари билан қопланганлиги аниқланди.

Бактериал микотик этиологияли ўткир йирингли-катарал эндометрит бўлган сигирлардаги клиник белгилардаги асосий ва характерли кўрсаткичлардан тана ҳарорати ва унинг пульсидаги ўзгаришларидир. Тана ҳарорати ҳайвонларда 1°C га кўтарилди, ҳайвонларда пульс уриши ошган. Шунингдек, бактериал - микотик этиологияли эндометрити бўлган сигирларда вагинал шиллик қаватда оқ рангли плёнкалар кузатилди, улар бактериал этиологияли эндометритли ҳайвонларда умуман кузатилмади.

Биринчи тажриба гуруҳидаги катарал эндометрит билан касалланган икки бош ҳайвонда даволашнинг 5-кунларида ҳайвонларда бачадондан оқ рангдаги суюқлик оқиши камайганлиги, айрим сигирларнинг қин дахлизи ва асосан бачадон бўйинчаси олдида бачадондан ажралиб чиққан суюқлик миқдори ҳам камайганлиги қайд қилинди.

Даволашнинг 6-кунидан бошлаб ҳайвонларда ҳайвонларда бачадондан суюқлик оқиши кузатилмади, сигирларнинг қин дахлизи ва асосан бачадон бўйинчаси олдида бачадондан ажралиб чиққаётган суюқлик ҳам тўхтаганлиги аниқланди.

Даволашнинг 8-кунидан бошлаб, касал ҳайвонларнинг умумий ҳолати меъёрда бўлиб, иштаҳа яхшиланиб тана ҳарорати, юрак уриши ва нафас олиши физиологик меъёр ҳолатида сақланиб қолганлиги қайд қилинди.

Даволашнинг 5-кунларида ушбу гуруҳдаги 2 бош йирингли-катарал эндометрит жараён кечаётган ҳайвонларда бачадондан кулранг оқ рангдаги суюқлик оқиши камайганлиги, айрим сигирларнинг қин дахлизи ва асосан бачадон бўйинчаси олдида бачадондан ажралиб чиққан суюқлик миқдори ҳам камайганлиги кузатилди.

Даволашнинг 9-кунидан бошлаб, касал ҳайвонларнинг умумий ҳолати меъёрда бўлиб, иштаҳа яхшиланиб тана ҳарорати, юрак уриши ва нафас олиши физиологик меъёр ҳолатида сақланиб қолганлиги қайд қилинди.

Даволашнинг 6-кунларида ушбу гуруҳдаги 1 бош бактерия ва замбуруғли этиологияли йирингли-катарал эндометрит жараёни кечаётган ҳайвонда бачадондан сариқ-қўнғир рангли суюқ экссудат оқиши камайганлиги, сигирнинг қин дахлизи ва асосан бачадон бўйинчаси олдида бачадондан ажралиб чиққан суюқлик миқдори ҳам камайган.

Даволашнинг 11-кунидан бошлаб, касал ҳайвоннинг умумий ҳолати меъёрда бўлиб, иштаҳа яхшиланиб тана ҳарорати, юрак уриши ва нафас олиши физиологик меъёр ҳолатида сақланиб қолганлиги кузатилди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги катарал эндометрит билан касалланган 2 бош ҳайвонларда даволашнинг 5-кунларида ҳайвонларда бачадондан оқ рангдаги суюқлик оқиши камайганлиги, айрим сигирларнинг қин дахлизи ва асосан бачадон бўйинчаси олдида бачадондан ажралиб чиққан суюқлик миқдори ҳам камайганлиги кузатилди.

Даволашнинг 7-кунидан бошлаб ҳайвонларда сигирларнинг қин дахлизи ва асосан бачадон бўйинчаси олдида бачадондан ажралиб чиққаётган суюқлик тўхтаганлиги аниқланди.

Даволашнинг 10-кунидан бошлаб, касал ҳайвонларнинг умумий ҳолати меъёрда бўлиб, иштаҳа яхшиланиб тана ҳарорати, юрак уриши ва нафас олиши физиологик меъёр ҳолатида сақланиб қолганлиги намоён бўлди.

Даволашнинг 8-кунларида 1 бош йирингли-катарал эндометрит жараён кечаётган ҳайвонда бачадондан кулранг оқ рангдаги суюқлик оқиши камайганлиги, сигирнинг қин дахлизи ва асосан бачадон бўйинчаси олдида бачадондан ажралиб чиққан суюқлик миқдори ҳам камайганлиги қайд қилинди.

Вагинал текширганда қин дахлизи ва бачадон бўйинчаси шиллик қаватлари оч қизғиш рангда, шишган ва қон куйилишлари аниқланмади. Ректал усулда текширилганда бачадон тос бўлиғига тўлиқ қайтган. Бачадон девори ўз ҳолига қайтиб, физиологик меъёр ҳолатда бўлиб массаж қилганда тўлиқ қисқарганлиги аниқланди.



Даволашнинг 11-кунидан бошлаб, касал ҳайвоннинг умумий ҳолати меъёрда бўлиб, иштаҳа яхшиланиб тана ҳарорати, юрак уриши ва нафас олиши физиологик меъёр ҳолатида сақланиб қолганлиги қайд қилинди.

Даволашнинг 6-кунларида ушбу гуруҳдаги 2 бош бактерия ва замбуруғли этиологияли йирингли-катарал эндометрит жараёни кечаётган ҳайвонларда бачадондан сариқ-қўнғир рангли суюқ экссудат оқиши анча камайганлиги, сигирнинг қин дахлизи ва асосан бачадон бўйинчаси олдида бачадондан ажралиб чиққан суюқлик миқдори ҳам анча камайганлиги аниқланди.

Даволашнинг 9-кунидан бошлаб ҳайвонларда бачадондан сариқ-қўнғир рангли суюқ экссудат оқиши кузатилмади, сигирларнинг қин дахлизи ва асосан бачадон бўйинчаси олдида бачадондан ажралиб чиққаётган суюқлик ҳам тўлиқ тўхтаганлиги аниқланди.

Даволашнинг 13-кунидан бошлаб, ҳайвонларнинг умумий ҳолати физиологик меъёр даражасида бўлиб, иштаҳа яхшиланиб тана ҳарорати, юрак уриши ва нафас олиши физиологик меъёр ҳолатида сақланиб қолганлиги кузатилди.

Учинчи назорат гуруҳидаги катарал эндометрит билан касалланган 2 бош ҳайвонларда ҳам биринчи ва иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонлари клиник белгиларига ўхшаш бўлиб, даволашнинг 7-кунларида ҳайвонларда бачадондан оқ рангдаги суюқлик оқиши камайганлиги, айрим сигирларнинг қин дахлизи ва асосан бачадон бўйинчаси олдида бачадондан ажралиб чиққан суюқлик миқдори ҳам камайганлиги кузатилди.

Вагинал текширганда қин дахлизи ва бачадон бўйинчаси шиллик қаватларидаги шишлар пасайганлиги аниқланди .

Даволашнинг 10-кунидан бошлаб ҳайвонларда сигирларнинг қин дахлизи ва асосан бачадон бўйинчаси олдида бачадондан ажралиб чиққаётган суюқлик озроқ тўхтаганлиги кузатилди.

Даволашнинг 13-кунидан бошлаб, касал ҳайвонларнинг умумий ҳолати меъёрда бўлиб, иштаҳа яхшиланиб тана ҳарорати, юрак уриши ва нафас олиши физиологик меъёр ҳолатида сақланиб қолганлиги намоён бўлди.

Даволашнинг 7-кунларида ушбу гуруҳдаги 2 бош йирингли-катарал эндометрит жараён кечаётган ҳайвонларда ҳам биринчи ва иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонлари клиник белгиларига ўхшаш бўлиб, ҳайвонларда бачадондан кулранг оқ рангдаги суюқлик оқиши камайганлиги, сигирларнинг қин дахлизи ва асосан бачадон бўйинчаси олдида бачадондан ажралиб чиққан суюқлик миқдори ҳам камайганлиги қайд қилинди.

Вагинал текширганда қин дахлизи ва бачадон бўйинчаси шиллик қаватлари оч қизғиш рангда, шишган ва қон куйилишлари анча пасайганлиги аниқланди .

Даволашнинг 14-кунидан бошлаб, касал ҳайвонларнинг умумий ҳолати меъёрда бўлиб, иштаҳа яхшиланиб тана ҳарорати, юрак уриши ва нафас олиши физиологик меъёр ҳолатида сақланиб қолганлиги қайд қилинди.

Даволашнинг 8-кунларида ушбу гуруҳдаги 1 бош бактерия ва замбуруғли этиологияли йирингли-катарал эндометрит жараёни кечаётган ҳайвоннинг ҳам биринчи ва иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонлари клиник белгиларига ўхшаш бўлиб, ҳайвонда бачадондан сариқ-қўнғир рангли суюқ экссудат оқиши камайганлиги, сигирнинг қин дахлизи ва асосан бачадон бўйинчаси олдида бачадондан ажралиб чиққан суюқлик миқдори ҳам камайган. Ректал усулда текширилганда бачадон тос бўлиғига тўлиқ қайтган. Бачадон девори ўз ҳолига қайтиб, физиологик меъёр ҳолатда бўлиб массаж қилганда тўлиқ қисқаради. иштаҳа яхшиланиб тана ҳарорати, юрак уриши ва нафас олиши физиологик меъёр ҳолатида сақланиб, шунингдек сигирда вагинал шиллик қаватда оқ рангли плёнкалар излари кузатилди.

Даволашнинг 15-кунидан бошлаб, касал ҳайвоннинг умумий ҳолати меъёрда бўлиб, иштаҳа яхшиланиб тана ҳарорати, юрак уриши ва нафас олиши физиологик меъёр ҳолатида сақланиб қолганлиги кузатилди.

Шундай қилиб, катарал эндометрит билан касалланган биринчи гуруҳ ҳайвонларида даволаш ўртача 8 кун, иккинчи гуруҳда 10 кун ва учинчи гуруҳда 13 кун, йирингли-катарал эндометрит билан касалланган биринчи гуруҳ ҳайвонларида даволаш 9 кун, иккинчи гуруҳда

11 кун ва учинчи гуруҳда 14 кун давом этган бўлса, бактерия ва замбуруғли этиологияли йирингли-катарал эндометрит жараёни кечаётган ҳайвонларда эса шунга мос равишда, 11, 13 ва 15 кун давом этди. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, бачадон девори функцияларнинг морфологик тўлиқ тикланиши даволаш тугатилганидан анча кейин кузатилди.

#### Хулоса

1.Тажрибадаги олинган натижалардан маълум бўлдики, сигирларни туғишдан кейинги ўткир йирингли-катарал эндометритларни даволашда окситетрациклин 10 гр + АСД 4мл + танин 1,5 мл + балиқ мойи 50 мл+ флуконазол 2 таблетка + 35мл дистилланган сувдан иборат тайёрланган эмульция бачадон ичига ва пенстриб - 400 дан 20 мл мускул орасига юбориш патологик ўчоқда қон ва лимфа айланишини яхшилаб, яллиғланиш жараёнларини пасайтиради ва регенерация жараёнларини кучайтириши намоён бўлди .

2.Сигирларда туғишдан кейинги ўткир йирингли-катарал эндометритларни даволашда тайёрланган эмульция бачадон ичига 80 мл ва пенстриб - 400 дан 20 мл маълум меъёр ва миқдорда мускул орасига юбориш катарал эндометрит билан касалланган ҳайвонларида даволаш ўртача 8 кун, йирингли-катарал эндометрит билан касалланган ҳайвонларида даволаш 9 кун, бактерия ва замбуруғли этиологияли йирингли-катарал эндометрит жараёни кечаётган ҳайвонларда эса 11 кун давом давом этиши характерли бўлди.

#### Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ата-Курбанов Ш.Б., Б.М.Эшбуриев. Ветеринария акушерлиги фанидан амалий – лаборатория машғулоти. Самарқанд, 2009. 236.б
2. Варава А. Е. Распространение послеродового эндометрита у коров хозяйства Ростовской области / А. Е. Варава, Л. Г. Войтенко, Е. И. Нижельская О. С. Войтенко // Актуальные проблемы и методические подходы к диагностике, лечению и профилактике болезней животных: Материалы Всероссийской научно-практической конференции. – 2017. – С. 24-26.
3. Копытин В.К., Василькова Ю.В. Профилактика и лечение акушерско-гинекологических заболеваний у коров // Теоретические и практические аспекты возникновения и развития болезней животных и защита их здоровья в современных условиях / Международная конференция, Воронеж, 3-4 октября 2000 г.- Материалы конференции.-Воронеж, 2000.- Том 1.- С. 168-169.
4. Черемисинов Г.А. Сравнительная эффективность комплексной этиопатогенетической терапии послеродового острого гнойно-катарального эндометрита у коров [Текст] / Г.А. Черемисинов, Ю.Г.Ткаченко // «Научные основы профилактики и лечения патологии воспроизводительной функции сельскохозяйственных животных»: Тез. докл. Всесоюз. научн. конф. - Воронеж, 1988. - С. 128-129.
5. Эшбуриев Б.М., Эшбуриев С.Б., Жуманов С.М. Veterinariya akusherligi fanidan amaliy-laboratoriya mashg'ulotlari. Ўқув қўлланма. СамДУ тахририй-нашриёт бўлими. ISBN: 978-9943-6319-7-7. Самарқанд. 2020. 319 б.
6. Эшбуриев Б.М. Ветеринария акушерлиги. Дарслик. Тошкент. 2018. 511 б.
7. Niyazov, H. B., & Abdiev, S. B. (2022). TYPES AND PERCENTAGES OF MICROBES IN SAMPLES FROM THE VAGINA AND CERVIX OF COWS WITH ENDOMETRITIS. Solution of social problems in management of economy, 1(2), 11-14.
8. Nuriddinov, B. Y., & Niyazov, H. B. (2022). INFLUENCE OF ETIOLOGICAL FACTORS AND SEASONS ON THE OCCURRENCE OF PURULOUS-NECROTIC PROCESSES IN THE TOES OF BREEDING COWS. Conferencea, 116-122.
9. Bakovich, N. K., Buranovich, A. S., & Tolaboyoglu, T. N. (2022). Changes in Blood Leukoformula in the Treatment of Acute Postpartum Purulent-Catarrhal Endometritis in Cows by Various Methods. Middle European Scientific Bulletin, 23, 204-208.

10. Абдиев, С. Б., &Бақоевич, Н. Ҳ. (2022). СИГИРЛАРДА ТУҒИШДАН КЕЙИНГИ ЭНДОМЕТРИТЛАРДАГИ МИКРОБЛАРНИНГ АНТИБИОТИКЛАРГА СЕЗУВЧАНЛИГИ. Вестник Ветеринарии и Животноводства, 2(1).
11. Kh, D. M. (2021). ETIOLOGY, FREQUENCY AND CLINICAL MANIFESTATIONS OF PURULENT INFLAMMATION OF THE FINGER JOINT IN SPORT HORSES. AcademiciaGlobe: InderscienceResearch, 2(6), 367-372



**SAMARQAND VETERINARIYA  
MEDITSINASI INSTITUTI**

ISSN 2181-1008

DOI 10.26739/2181-1008

# ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ ВА ЧОРВАЧИЛИК БЮЛЛЕТЕНИ

3 ЖИЛД, 1 СОН

ВЕСТНИК ВЕТЕРИНАРИИ И ЖИВОТНОВОДСТВА

ТОМ 3, НОМЕР 1

BULLETIN OF VETERINARY AND LIVESTOCK

VOLUME 3, ISSUE 1

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000